



**"ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АЁЛЛАР  
ХУҚУҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР:  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР"**

**Шодиева Мадинабону Бобир кизи**

*Тошкент давлат юридик университети талабаси*

**Аннотация:** Уибу мақолада Ўзбекистонда хотин-қизларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва гендер тенглигини таъминлаши соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлил қилинади. Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунчилик ислоҳотлари ва таълим ҳамда меҳнат соҳаларида гендер тенглигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар жамиятда аёлларниң ролини кучайтиришида муҳим ўрин тутгани ёритилади. Сўнгги йилларда давлат томонидан гендер тенглигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган сиёсат, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва уларниң ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётда фаол иштирокини разбатлантириши масалаларига алоҳида ургу берилади.

**Калит сўзлар:** гендер тенглиги, ҳуқуқларни ҳимоя қилиши, қонунчилик ислоҳотлари, таълим, меҳнат, аёлларниң жамиятдаги роли, давлат сиёсати

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири хотин-қизларниң гендер тенглигини таъминлашдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу йўналишда қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизларниң ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонунчилик ислоҳотлари, таълим ва меҳнат соҳаларида гендер тенглигини мустаҳкамлаш, шунингдек, аёлларниң жамиятдаги мавқеини ошириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Сўнгги йилларда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати айниқса аҳамиятли бўлиб, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларниң ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.<sup>12</sup>

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистонда қатор муҳим натижаларга эришилди. Хусусан:

- Хотин-қизларниң парламент ва маҳаллий кенгашлардаги вакиллиги сезиларли даражада оширилди;
- Давлат бошқарувининг маҳаллий органлари ва туман ҳокимлари лавозимларига аёллар тайинланишни бошлади;
- Парламентниң юқори палатасида гендер тенглиги масалалари бўйича маҳсус ишчи органлар ташкил этилди;

<sup>12</sup> Аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма - Сайдова Л., Умарова Ш., Абулхасон Д., Шотурсунова Н. - Аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Сайдова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



- Аёллар хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2020-2030 йилларга мўлжалланган Гендер стратегияси ишлаб чиқилди;
- Гендер тенглигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳамда хуқукий тизим такомиллаштирилди;
- Бутун мамлакат бўйлаб зўравонлик жабрдийдаларига ёрдам кўрсатувчи хотин-қизлар учун реабилитация марказлари фаолият юрита бошлади;
- Кам таъминланган ва муҳтоҷ аёллар учун уй-жой билан таъминлаш дастурлари амалга оширилди;
- Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ва уларни иш билан таъминлаш учун қулай механизмлар ишлаб чиқилди;
- Хотин-қизлар билан ишлайдиган давлат нотижорат ташкилотлар фаоллиги ошди<sup>13</sup>.

Бу саъй-ҳаракатлар аёллар хуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш борасида салмоқли ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш масаласида шундай таъкидлаган: “Хозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчisi эмас, балки фаол ва ташабbusкор иштирокчisi бўлиши шарт. Афсуски, узоқ вақт давомида бу масалага етарлича эътибор қаратмаганимиз, ҳурматли опа-сингилларимизнинг муаммоларига бепарво муносабатда бўлганимиз сабабли, йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугунги кунда осон бўлмаяпти. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муҳтарам опасингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз.”

Бу баёнот хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатининг муҳимлигини кўрсатиб беради. Президентнинг таъкидича, аёллар фақат кузатувчи эмас, балки жамиятнинг фаол иштирокчisi бўлиши керак, ва бунинг учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

Аёлларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш ва гендер тенглики масалалари бўйича Республикализнинг хар худудида давра сухбатлари ва профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанд давлат университети Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши ва Юридик факультет ташабbusи билан “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари” мавзусида давра сухбати ўтказилди. Тадбирда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, гендер тенгликни таъминлаш ва оиласидаги муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди. Сухбат иштирокчилари гендер тенглигини таъминлаш бўйича

<sup>13</sup> Аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма - Сайдова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н. - Аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Сайдова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



олиб борилаётган ишлар ва қонунчилик соҳасидаги янгиликларга алоҳида эътибор қаратдилар.<sup>14</sup>

"Аёлни улуғламоқ—оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Зеро, оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файз ва барака киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаvvар қиласидиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир." Ислом Каримовнинг ушбу сўzlари аёлларнинг нафакат оилада, балки жамиятда ҳам тутган ўрни ва қадрини улуғлайди. Аёллар — жамият ривожи ва унинг маънавий пойдеворини қуришда муҳим аҳамиятга эга.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар хуқуқларини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этиши — бугунги кунда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Аёллар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом оила қуриш, баркамол авлод тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, никоҳдан ажралиш каби муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда. Миллат келажаги ва унинг ижтимоий-маънавий салоҳияти соғлом авлод ва маънан бой фарзандлар тарбияси билан боғлиқдир.

Биринчи Президентимиз ташабbusи билан 1998 йил "Оила йили" деб эълон қилиниши, жамиятда оила институтини қўллаб-қувватлаш ва оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш мақсадида қатор муҳим ислоҳотлар бошлаб берилган. 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва уларнинг ташабbusларини рағбатлантиришга қаратилганлиги жамиятда аёлларга бўлган ғамхўрликнинг юқори даражасини намоён этди.

### REFERENCES:

1. Аёлларга нисбатан тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма - Саидова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н. - Аёлларга нисбатан тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Саидова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б
2. <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>
3. <https://www.newsfactory.su/ru/economy/330243-v-ssha-poyavilsya-spetsialnyj-bankdlya-zhenschin>
4. Women's Entrepreneurship Strategy SEA Public Statement. URL:  
<https://www.ic.gc.ca/eic/site/sea-ees.nsf/eng/ey00049.html> (07.02.2022)
5. <https://immigrant.today/canada/14416-novye-vozmozhnosti-dlja-zhenshhinpredprinimatelej-v-kanade.htm>

<sup>14</sup> <https://www.samdu.uz/cy/news/38497>





## **TANQIDIY NAZAR, TAHLILYIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR**



6. Impact to-date: BDC Capital's Women in Technology Venture Fund invests in 25 companies. URL: <https://www.bdc.ca/en/about/mediaroom/news-releases/bdc-capitalwomen-technology-venture-fund-invests-in-25-companies>
7. <https://www.goodnewsfinland.com/ru/opinion/o-zhenshhinah-predprinimatelyah/>
8. <https://www.norway.no/ru/russia/norway-russia/news-events2/murmansk/news/-----/>
9. <https://asaf-today.ru/s032150750000696-7-1/>
10. <https://www.samdu.uz/cy/news/38497>
11. <https://yuz.uz/news/mustahkam-oila-faol-xotin-qizlar-jamiyat-farovonligini-belgilaydi>
12. <https://xabar.uz/post/ayollarning-jamiyatdagi-rolini-kuchaytirish-boyicha>

